



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 184-192 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА БИЗНЕС ТУЗИЛМАЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ВЕКТОР ТАҲЛИЛИ



Матёқубова Д.О.

Урганч давлат университети, доцент

**Аннотация:** Ушбу мақолада бизнес тузилмаларини диверсификация қилишнинг инновацион векторини прогноз қилиш контекстида Европа Иттифоқининг олтида давлати таҳлили ўтказилди, улар иккита гурӯҳ билан ифодаланади: инновацион куч даражаси - Буюк Британия, Германия, Франция ва трансчегаравий мамлакатлар - Полша, Руминия, Венгрияга каби давлатлар таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўз:** бизнес тузилма, диверсификация, ретроспектив вектор таҳлили, ялпи ички маҳсулот, барқарор инновацион ривожланиш.

**Кириш.** Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни умумий глобал интеллектуаллаштиришнинг бир қисми сифатида иқтисодиётни интеллектуаллаштириш ва шахснинг узлуксиз интеллектуал ривожланиши ахборот технологияларини глобал қўллаш ва уларни доимий равишда такомиллаштириш билан сезиларли даражада шартланади. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқ глобаллашувнинг техник асосидир.

Шунинг учун бизнес тузилмаларини диверсификация қилишнинг инновацион векторини прогноз қилиш контекстида Европа Иттифоқининг олтида давлати таҳлили ўтказилди, улар иккита гурӯҳ билан ифодаланади: инновацион куч даражаси - Буюк Британия, Германия, Франция; ўтмишда "ижтимоий лагер" ва трансчегаравий мамлакатлар - Полша, Руминия, Венгрияга тегишли. Ушбу ёндашув бизнес тузилмаларининг инновацион фаолиятининг глобал тенденцияларини, хусусан, инновацион ривожланишнинг зарурий шартлари ва устун векторларини, иқтисодиётни жадал интеллектуаллаштириш шароитида диверсификация қилиш имкониятларини ўрганиш ҳамда аниқлаш имконини берди.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада бизнес тузилмаларини диверсификация қилиш моделлари ва усуслари ҳамда инновацион ривожланиш стратегияларининг қиёсий тавсифини тадқиқ қилиш борасида таҳлил (қиёсий таҳлил, мантиқий таҳлил, назарий таҳлил, тизимли таҳлил), монографик усуслардан самарали фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Қуйидаги 1-жадвалда Европа Иттифоқининг алоҳида мамлакатларида реал ўсиш тенденциялари келтирилган.

**1-жадвал**

**Европа Иттифоқининг алоҳида мамлакатларида реал ўсиш тенденциялари [1]**

Давлатлар	Баҳоси		Прогноз		Прогноз натижаларини 2023 йилга нисбатан ўзгариши	
	2022	2023	2024	2025	2024	2025
Буюк Британия	4,3	0,5	0,6	1,6	0,1	1,1
Германия	1,8	-0,3	0,5	1,6	0,8	1,9
Франция	2,5	0,8	1,0	1,7	0,2	0,9
Польша	5,3	0,6	2,8	3,2	2,2	2,6
Руминия	2,6	2,5	4,4	2,0	1,9	-0,5
Венгрия	1,9	0,6	1,0	1,3	0,4	0,7

1-жадвал маълумотларига кўра, Польша давлатининг реал ўсиш тенденцияларида яққол ижобий динамика қузатилмоқда, деган хуносага келиш мумкин ва сўнгги бир йилда унинг ўсиш даражаси 2024 йил прогноз натижасига асосан 2,2 %га ўстганилиги қузатилади. Ундан кейинги ўринни Буюк Британия мамлакати эгаллаб 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 0,1 % ва 2025 йилда 1,1 % га ошиши кутилётганлиги аниқланди. Германияда 2023 йилда ўсиш даражаси -0,3 %ни ташкил этишига қарамай 2024 йил прогноз натижасига кўра 0,5 % ва 2025 йилда эса 1,6 % ўсишига эришилиши кутилмоқда. Шундай қилиб, хуроса қилиш мумкинки, сўнгти бир йил ичида Германияда қурилиш, ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати корхоналари сони бироз қисқарди, бошқа фаолият соҳаларида янги корхоналар очилишининг ижобий динамикасини кўриш мумкин.

Ушбу давлатнинг бундай кўрсаткичларини ўрганаётганда шуни таъкидлаш жоизки, Инсон тараққиёти индекси (қисқартирилган ХДИ) таснифига кўра, Полша юқори ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Бундай баҳолаш кўплаб омиллардан иборат бўлиб, уларнинг асосийлари: умр кўриш давомийлиги, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, харид қобилияти паритетини келтириш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Полша давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистик динамикаси млн. злоти (PLN) [2]**

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
Ялпи ички маҳсулот (бозор нархида)	404528,4	511615,4	659978,3	747836	875585,1	942803,1
Қишлоқ, ўрмон хўжалиги, балиқчилик	13947,6	21433,3	28429,9	35460,8	38863,5	36279,4
Саноат ишлаб чиқариши	99677,6	129219,6	164199,4	194157,3	239446,9	245224,3
Курилиш саноати	34016	46364,4	46187,1	44778,9	52078,3	62819,3
Таълим ва ўқитиш	17909,1	21995,2	29570,7	33261,3	37444,8	41831,7
Савдо, автомобил ва мотоциклларни	59829,2	66195,1	81322,5	92737,5	105694,6	115883

таъмирлаш						
-----------	--	--	--	--	--	--

Жадвал натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакат барча иқтисодий кўрсаткичларнинг 2010-2023 йиллар давомида барқарор ўсиб боришини кузатиш мумкин бу борада ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2010 йилга нисбатан 57,09 %га ошиб 942803,1 млн. злотга етди. Қишлоқ, ўрмон хўжалиги, балиқчилик хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилдан 2022 йилгача 35,6 %га ошиб 38863,49 млн. злотга тенг бўлган бўлса, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида 36279,4 млн. злотга тушиб қолди.

Буюк Британия иқтисодиёти 2022 йилда 4,3 фоиз ўсишдан кейин 2023 йилда 0,1 фоизга ўсади. 2021 йилда 8,7 фоизга, 2020 йилда эса рекорд даражадаги 10,4 фоизга пасайиш кузатилди. Тақдим этилган вақт оралигида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик энг катта пасайишига эришилди. 2020 йил 2009 йилда, 2000 йилларнинг охиридаги глобал молиявий инқироз авжида Буюк Британия иқтисодиёти 4,5 фоизга қисқарганида содир бўлди. 1949-2020 йиллар орасида ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати энг юқори бўлган йил 1973 йил бўлиб, бунда Буюк Британия иқтисодиёти 6,5 фоизга ўсан [3]. Бундай ижобий натижаларни қуидаги З-жадвалдан кўриш мумкин.

### З-жадвал

#### Буюк Британия давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистик динамикаси [4]

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
ЯИМ, млрд. фунт стерлинг	1878,96	2071,6	2002,5	2176,2	2270,8	2274,1
Таълимга харажатлар, ЯИМга нисбатан %	5,7	5,6	5,5	5,4	5,5	5,6
Илмий-тадқиқот ишларига ялпи харажатлари, млн. фунт стерлинг	10545	11618	15570	15683	17012	18341
Тадбиркорлик соҳасида илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатлар, млн. фунт стерлинг	33153	35616	43995	46929	49942	52955

Жадвалда келтирилган Буюк Британия давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистик динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1878,96 млрд. фунт стерлингни ташкил этиб, 2023 йилда 395,14 млрд. фунт стерлингга ошиб 2270,8 млрд. фунт стерлингта тенг бўлган.

Буюк Британияда кузатилаётган 2010-2023 йилларда таълимга харажатлар ЯИМ таркибида ўртacha 5,55 %ни ташкил этган. Бунда мамлакат илмий-тадқиқот ишларига ялпи харажатлар 2023 йилда 2010 йилга нисбатан 7796 млн. фунт стерлингга ошиб 18341 млн. фунт стерлингта етган бўлиб 2018-2019 йиллар Илмий-тадқиқот ишлари бўйича солиқ имтиёзларига эга бўлмаган корхоналар томонидан тақдим этилган аризалар сонининг кичик, аммо сезиларли даражада камайиши кузатилди.

Германиянинг 2024 йилнинг биринчи чораги учун ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳисоботининг якуний баҳоси жума куни эрталаб эълон қилинди. Федерал статистика бошқармаси маълумотларига кўра, ЯИМ 0,2 фоизга ўсили. Бу ўтган чорақдаги -0,5% дан ошиди ва таҳлилчиларнинг тахминларига мос келди. Ушбу ўсиш, асосан, ялпи асосий капитални шакллантиришнинг сакраши билан боғлиқ бўлиб, йилнинг биринчи чорагидаги асосан қурилиш инвестицияларининг кўпайиши ҳисобига 2023 йилнинг 4-чорагидаги -2,1 фоиздан 1,2 фоизга ўсили [5] (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Германия давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистик динамикаси [6]

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
Ялпи ички маҳсулот (бозор нархида), млрд. евро	2862,77	3115,12	3367,47	3617,5	3876,8	4122,2
Кишлоқ, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, %	1,6	1,5	1,3	1,2	1,2	1,3
Саноат ишлаб чиқариши, %	17,4	17,3	18,2	17,9	17,8	17,9
Қурилиш саноати, %	6	7	5,8	5,9	5,8	5,9
Савдо, автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш, %	23,1	22,8	22,3	22	22,1	22
Хизмат кўрсатиш, %	42,8	41,6	41,9	42,1	41,9	41,8
Таълим ва ўқитиш, %	5,6	5,6	5,8	5,8	5,9	5,9
Бошқалар, %	3,5	4,2	4,7	5,1	5,3	5,2

Германия иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистик маълумотларига асосан, 2010 йилда 2862,77 млрд. европни ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб 1259,43 млрд. еврода ўсиб 4122,2 млрд. еврода тенг бўлди. Бунда, ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми нинг улуши 2010-2023 йилларда ўртача 1,35 %ни ташкил этган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида энг юқори улушга эга бўлган тармоқ хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб унга кўра, қузатилаётган давр мобайнида ўртача 42,02 %ни ташкил этган. Ундан кейинги ўринда эса савдо, автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш ўртача – 22,4 фоиз ва саноат ишлаб чиқариш тармоқлари эгаллаб 2010-2023 йилларда ўртача 17,75 фоизга тенг бўлган. Ушбу келтирилган натижалардан холоса қилиш мумкинки, мамлакат саноатлашган мамлакатлар қаторига кириб, мамлакат иқтисодиётининг қарийб 50 фоизини саноат сектори эгаллайди. Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш туфайли немислар жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Энг рақобатбардош тармоқлар электротехника саноати, автомобил ишлаб чиқариш, парфюмерия ишлаб чиқариш, асбобсозлик ва станоклар ишлаб чиқариш, кимёвий ишлаб чиқариш, рангли ва қора металлургия, кемасозлик, космик ва авиация ускуналарини ишлаб чиқариш тармоқларини келтириш мумкин. Бу борада, BMW, AG Volkswagen, Bosch, BASF, Henkel Group, Bayer, Siemens каби кўпгина таниқли немис компаниялари ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларини дунёning турли мамлакатларида жойлашганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Германия давлатининг бундай ривожланишини асаосини мамлакатда таълим тизимига бўлган эътиборни юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Статистика маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010-2023 йилларда Германия таълим тизими ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўртача 5,8 фоизини ташкил этганигини кўриш мумкин.

Франция иқтисодиёти 2022-йилнинг иккинчи ярмида сезиларли даражада секинлашди, бироқ 2023-йилнинг иккинчи ярмида фаоллик тикланиши кутилмоқда. Ушбу секинлашув таъминотдаги жиддий муаммолар ва энергия ва хом ашё нархларининг қўтарилиши ҳамда муҳимлигича қолган таъминот танқислигидан келиб чиқсан. 2021-йилда 6,8 фоизлик кучли ўсишдан сўнг, реал ЯИМ 2022-йилда 2,6 фоизга ўсиши тахмин қилинмоқда. Иқтисодий фаоллик 2023 йилнинг биринчи ярмида ҳам суст бўлиб қолиши кутилмоқда. Пойтахт минтақасида (Île-de-France) аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот Европа Иттифоқининг ўртача 176% ни ташкил қилган бўлса, 27 та худуддан 23 таси 2010-2020 йилларда паст ёки салбий ўсиш билан Европа Иттифоқининг ўртача даражасига нисбатан ўз ўрнини йўқотди [7].

Оддинга қараб, тақчиллик 2023 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 4,7 фоизини ташкил қилиши (ҳали ҳам энергетика инқирозига қарши сарфланган харажатларни акс эттиради) ва 2024 йилда ЯИМнинг 4,3 фоизигача пасайиши кутилмоқда. 2022 йилда ЯИМнинг 111,6 фоизида давлат қарзи бир оз қисқарди ва 2024 йилга бориб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 109,5% гача пасайиш мўлжалланмоқда. Бироқ бундан кейин давлат қарзи ўрта муддатли истиқболда сиёsat чоралари кўрилмагандага яна ўсиш тенденциясига киришиши кутилмоқда (5-жадвал).

## 5-жадвал

### Франция давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистик динамикаси [8]

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
ЯИМ, млрд. АҚШ доллари	2288,44	2491,87	2695,3	3059,2	2870,2	3109,57
Қишлоқ, балиқ ва ўрмон хўжалиги улуси, %	1,6	1,61	1,58	1,62	1,91	1,93
Саноат ишлаб чиқариш улуси, %	18,57	17,68	16,79	16,4	16,82	17,24
Хизмат кўрсатиш соҳаси улуси, %	63,23	63,91	65,09	70,62	70,73	70,84
Таълим ва ўқитиш, %	6,3	6,3	5,8	6,1	6,0	6,1
Бошқа тармоқлар улуси, %	10,3	10,5	10,74	11,36	10,54	9,99

Жадвал натижаларига кўра, франция давлатининг ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Германия (ўртача – 1,35 %) давлатига нисбатан кўпроқ улушни яъни, 2010-2023 йилларда ўртача – 1,71 %ни ташкил этади.

2023 йил охирида Венгриядаги реал ЯИМ 158 миллиард долларни ташкил қиласди. Венгрия иқтисодиёти сўнгги тўрт йил ичida ўртача йиллик ўсиш суръати

билин 2,5% га ўсди ва Грецияни ортда қолдириб, Европада 18-ўринни эгаллади. 2024 йилнинг биринчи чорагидаги сўнгти маълумотлар иқтисодий ўсишни 1,7 фоизни ташкил этди, бу ўтган чоракдаги 0,5 фоиз ўсиш суръатидан ўсиш ва ўтган йилнинг шу чорагидаги ўсиш суръати -1,1 фоизга ўсишдир (6-жадвал).

#### 6-жадвал

##### **Венгрия давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистикаси [9]**

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
Ялпи ички маҳсулот (бозор нархида) млрд. форинт (HUF)	27,485	34,965	48,445	55,205	65,952	76,699
Кишлоқ, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, %	3,56	3,79	3,29	3,49	3,24	3,14
Саноат ишлаб чиқариши, %	23,84	24,38	24,29	24,18	24,41	24,26
Хизмат кўрсатиш, %	54,4	54,18	54,1	54,97	54,56	55,1
Таълим ва ўқитишга харажат, ЯИМга нисбатан %	4,72	5,1	5,2	5,01	5,02	5,1
Савдо, автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш	11,38	11,24	11,39	10,73	11,2	11,3
Бошқа тармоқлар, %	2,1	1,31	1,73	1,62	1,57	1,1

Жадвалда келтирилган венгрия давлатининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2010 йилда 27,485 млрд. форинтга тенг бўлган бўлса 2023 йилга келиб ушбу қўрсаткич 2010 йилга нисбатан 49,214 млрд. форинтта ўсиб 76,699 млрд. форинтга тенг бўлди. Ундан кейинги ўринда мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибидағи улушни саноат тармоғи ташкил этиб 2010-2023 йиллар мобайнида ўртacha 24,2 %ни ташкил этди.

2023 йилнинг биринчи чорагида Руминияда мавсумий тузатилган ЯИМ 2022 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 2,8 га ошди. ХВФнинг эконометрик моделлари мамлакат ЯИМ 2024 йилда 376,6 миллиард долларга, 2025 йилда эса узок муддатда 405,2 миллиард долларга ўсиши кутилмоқда (7-жадвал).

#### 7-жадвал

##### **Руминия давлатининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистикаси [10] Лейи (RON)**

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
ЯИМ, млн. RON	25212,5	35946,7	55284,8	62170,4	69056	75941,6
Таълимга харажатлар, %	3,3	3,1	3,7	3,2	3,2	3,2
Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятига сарфланган умумий харажатлар ЯИМга нисбатан %	0,45	0,49	0,47	0,48	0,48	0,49
Тадбиркорлик соҳасида илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатларнинг ЯИМдаги улуси, %	0,17	0,22	0,28	0,29	0,29	0,30

Жадвал маълумотларига асосан, Руминия давлатининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2010 йилда 25212,5 млн. RONга тенг бўлиб, 2023 йилда эса 2010 йилга нисбатан 50 729,1 млн. RONга ошиб 75941,6 млн. RONга тенг бўлди. Руминия давлатида таълим ва ўқишига қилинган харажатлар 2010 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,3 % харажат сарфланган бўлса 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 3,2 %ни ташкил этди. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, келтириб ўтилган давлатлар ичида ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратадиган давлатлар қаторига кирган мамлакатлар сифатида 2010-2023 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 0,47 %га тенг бўлди.

Жаҳон банки билимга асосланган иқтисодиёт(БАИ)нинг тўртта устуни бўлган малакали ишчи кучи учун таълим, фан ва технология ҳамда инновациялар, АКТ инфратузилмаси ва сиёsat ҳамда тартибга солиш муҳитини белгиловчи кенг қўлланиладиган билимга асосланган иқтисодиёт моделини таклиф қилди.

#### 8-жадвал

#### Билимга асосланган иқтисодиётни ривожланиш модели

	Иқтисодий (БАИ)	Ижтимоий	Табиий
Таълим (инсон капиталини ривожлантириш)	Малакали ишчи кучи учун таълим	Инсоннинг умумий ривожланиши учун таълим	Барқарор ривожланиш учун таълим
Инновациялар (таркибий капитални ривожлантириш)	Тизимлар, жараёнлар ва технологик инновациялар	Тинчлик, тенглик ва ин-сон хуқуқлари учун янги институтлар ва протоколлар	Атроф-муҳит технологиялари, масалан, қайтатикланадиган энергия технологиялари
Тармоқларни қуриш (манфаатдор томонлар капиталини ривожлантириш)	Молиявий жисмоний тармоқлар, масалан, АКТ инфратузилмаси	Ижтимоий тармоқлар, ижтимоий ишонч, маданий яхлитлик	Сайёравий ҳаётни қўллаб-куватлаш тизимларини ҳи-моя қилиш ва қўллаб-куватлаш бўйича келишувлар

Ушбу модельдан келиб чиқсан ҳолда, тадқиқот ишини билимга асосланган иқтисодиёт сари ҳаракатда бўлган Осиё тажрибасига ҳам эътибор қаратишни лозим деб топдик. Осиё иқтисодий ландшафтини Япония ва Малайзия, Сингапур, Корея Республикаси ва Тайпей, Хитой каби кичикроқ, аммо ёрқинроқ иқтисодий кўрсаткичлар ҳам таъсир қилишда давом этади [11]. Билимга асосланган иқтисодий жамиятнинг тахминлари ва таркибий қисмларини ҳамда Осиё ҳукуматларининг ўз иқтисодиётлари ва жамиятларини кўпроқ билимга асосланган бўлишга қандай қилиб ўtkазишни режалаштираёттанини ўрганиш лозим. Бунда биз алоҳида жадаллик билан ривожланаётган Хитой халқ Республикаси иқтисодиётини таҳлилини кўриб чиқамиз (9-жадвал).

#### 9-жадвал

#### Хитой халқ Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик статистикаси [12]

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022	2023
Ялпи ички маҳсулот	410354,1	685571,2	1005451,3	1141230,8	1194401,4	1249990,6

(100 млн. юан)						
ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон хўжалиги, балиқчилик улуси, %	9,6	8,7	8,0	7,6	7,7	7,5
ЯИМ таркибида саноат ишлаб чиқариш улуси, %	40,1	34,1	30,9	32,6	32,8	31,7
ЯИМ таркибида қурилиш саноати улуси, %	6,6	6,9	7,1	6,9	6,7	6,8
Илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ЯИМдан сарфланган харажатлар (100 млн. юан)	5791,90	14169,88	24393,11	27956,31	30782,90	33278,00
ЯИМнинг тармоқлар, улгуржи ва чакана савдо бўйича таркиби (%)	8,7	9,8	9,5	9,6	9,7	9,8

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсақ, илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ЯИМдан сарфланган харажатлар 2010 йилда 1,41 %га тенг бўлиб, унинг жорий қийматлари 579,19 млрд. юанга тенг бўлган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 1,25 %га ошиб 3327,8 млрд. юанга тенг бўлди. Бу эса мамлакатда илм-фан, таълимга бўлган эътиборни ортганини ифода этиб билимлар иқтисодиётига асосланган иқтисодиётга ўтаётганини билдириб.

Бизнинг фикримизча, Хитойнинг инновациялар соҳасидаги феномени иккита асосий корхонанинг инновацион ривожланишининг ўзига хос модели ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш - миллий инновацион тизим омиллари билан боғлиқ. Инновацион ривожланишининг Хитой моделининг квантэссенцияси “тезлаштирилган инновация”дир. Хитой модели инновацион жараёнларга мавжуд ҳалқаро ёндашувлардан сезиларли даражада фарқ қиласди.

**Хулоса.** Турли мамлакатлар корхоналарининг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш натижаларини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, иқтисодиётни интеллектуаллаштириш шароитида корхонанинг рақобатдош устунликларининг барқарорлиги фақат унинг инновацион ривожланиши билан таъминланади. Бу омиллар қутблилиги таъсири остида содир бўлади, уларнинг намоён бўлиши турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, салбий омилларни ижобий омиллар билан алмаштириш ҳисобига корхоналарнинг инновацион ривожланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, таҳлил натижалари глобаллашув омиллари таъсирининг қутблилигини кўрсатади ва тасдиқлайди, бу бизнес тузилмаларининг рақобатбардошлиги орқали ҳам намоён бўлади.

**Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати:**

1. Бюллетень «перспективы развития мировой экономики» январь 2024.  
<file:///c:/users/admin/downloads/text.pdf>
2. Statistics Poland <https://stat.gov.pl/en/>
3. UK economy to grow by 6.5% in 2021 before slowing slightly in 2022: OBR - International Finance
4. UK GDP growth 2023 | Statista <https://www.statista.com>
5. HMRC R&D Tax Credit Statistics 2023 - What you need to know.  
(forrestbrown.co.uk)
6. Germany - Statistics & Facts | Statista
7. 2023 Country Report. INSTITUTIONAL PAPER 234 | JUNE 2023. 2023 Country Report - France (europa.eu)
8. France Gross National Product (GNP) | Economic Indicators | CEIC (ceicdata.com)
9. Hungary Economic Growth (GDP, ann. var. %) - FocusEconomics (focus-economics.com)
10. Hungary - Public Spending On Education, Total (% Of GDP) - 2024 Data 2025 Forecast 1991-2021 Historical (tradingeconomics.com)
11. Hungary - Labour cost index: Transportation and storage - 2024 Data 2025 Forecast 2019 Historical (tradingeconomics.com)
12. [insse.ro/cms/files/Web\\_IDD\\_BD\\_en/index.htm](insse.ro/cms/files/Web_IDD_BD_en/index.htm)

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

